



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ СОТИШ ЖАРАЁНИДА ТУШУМЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сатторов Тоҳир Толмас Уғли

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0000-0002-6713-9344

sattorov_tohir@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишининг афзаликлари, 15-сон МХХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартига мувофиқ операция нархини аниқлаш тартиби келтирилган. Шунингдек, ишда молиялаширишнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлган ҳолларда тушумларни, молиявий даромад ва харажатларни, узоқ муддатли савдо дебиторлик қарзлари ва шартномавий мажбуриятларни тан олиш, бухгалтерия счёtlарида акс эттириш ҳамда молиявий ҳисобот масалалари ёритилган.

Ключевые слова: тушум, шартномалар, харидорлар, ўзгарувчан қоплама, энг эҳтимолли миқдор методи, молиялаширишнинг салмоқли компоненти, узоқ муддатли савдо дебиторлик қарзлари, шартномавий мажбуриятлар, молиявий даромадлар, молиявий харажатлар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА ВЫРУЧКИ В ПРОЦЕССЕ ПРОДАЖ ПО МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ

Сатторов Тоҳир

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье рассматриваются преимущества перехода на международные стандарты финансовой отчетности. Приведен порядок определения цены операции по стандарту МСФО № 15 «Выручка по договорам с покупателями». Также в случаях наличия значительного компонента финансирования освещаются вопросы признания выручки, финансовых доходов и расходов, долгосрочной торговой дебиторской задолженности и договорных обязательств, отражения в бухгалтерских счетах и финансовой отчетности.

Ключевые слова: выручка, контракты, покупатели, переменное возмещение, метод наиболее вероятной величины, существенный компонент финансирования, долгосрочная торговая дебиторская задолженность, договорные обязательства, финансовые доходы, финансовые расходы.

IMPROVEMENT OF REVENUE ACCOUNTING IN THE SALES PROCESS ACCORDING TO INTERNATIONAL STANDARDS

Sattorov Tokhir Tolmas Ugli
Samarkand State Institute of Economics and Service

Abstract. In this article, the advantages of the transition to international standards of financial reporting and the procedure for determining the price of the operation according to the standard of IFRS No. 15 "Revenue under contracts with customers" are given. Also, in cases where there is a significant component of financing, the issues of recognition of revenues, financial income and expenses, long-term trade receivables and contractual obligations, reflection in accounting accounts and financial reporting are covered.

Keywords: revenue, contracts, customers, variable coverage, most probable amount method, significant component of financing, long-term trade receivables, contractual obligations, financial income, financial expenses.

Кириш.

Ўзбекистонда корхоналар бухгалтерия ҳисобини юритишида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС)га жадал ўтмоқда. МҲҲСга ўтиш бир қанча афзалликлар ва имкониятларни юзага келтиради. Биринчидан, МҲҲСлари ахборотларнинг сифат даражасини кескин оширади, яъни маълумотларнинг ишончлиги ва ҳаққонийлиги таъминланади. Бу ўз навбатида бошқарув қарорларининг ўз вақтида ва тўғри қабул қилинишига олиб келади. Чунки, бошқарув қарорлари сифатли ахборотларга таянади. Иккинчидан, мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилади. Хорижий инвесторларнинг талаблари ва эҳтиёжларига монант ахборотлар тайёрлаш имконияти юзага келади. Учинчидан, молиявий ҳисоботларнинг шаффоф бўлишига эришилади, унинг тушунарлилик даражасини оширади, маълумотларга очиқлашлар бериш имконияти кенгаяди. Тўртинчидан, молиявий ҳисоботларнинг халқаро молиявий ташкилотлар, халқаро инвесторлар, халқаро банклар ва халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан тан олинишига олиб келади. Бешинчидан, халқаро савдо, шунингдек ташкилотларнинг экспорт имкониятлари ошади.

МҲҲСларига ўтиш маълум тажрибаларни, шарт-шароитларни ва тайёргарлик ишларини амалга оширишни талаб қиласиган жараён ҳисобланади. МҲҲСларига бир уринишида ўтиб бўлмайди. МҲҲСларга пухта ва мукаммал ўтиш учун МҲҲСларини биладиган мутахассислар салмоғини ошириш керак. Халқаро стандартларнинг қўлланилиши бўйича тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади. Бундан ташқари МҲҲСларни жорий этиш барча тизимларни, жумладан янги қабул қилинадиган Корхоналар тўғрисидаги Кодекси, Солиқ Кодекси, Меҳнат кодекси, банк-молия тизимиға оид қонунлар, ҳаққоний қийматда баҳолаш хизматлари, хом-ашё, кўчмас мулк ва валюта бозорлари, шунингдек бошқа фаол бозорларнинг халқаро стандартлар асосида шаклланиши талаб этилади. МҲҲСлари рақамли иқтисодиётни тақозо этади. МҲҲСларига сифатли ўтишни таъминлаш учун ҳар бир халқаро стандартни тадқиқ этишимиз, унга мувофиқ келадиган услубий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Бизнинг фикримизча, халқаро стандартларни ўрганишда концептуал қоидалардан кейин даромадлар ҳисобини тартибга соладиган стандартларни ўрганишдан бошлаш керак. Чунки, даромадлар халқаро стандартларга мувофиқ тан олинса, баҳоланса ва ҳисоботларда ишончли акс эттирилса, бу жараён бошқа ҳисоб объектларини ҳам халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қиласи. Ушбу таълимотлардан келиб чиқиб, 15-сон МҲҲС "Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар" стандартини тадқиқ этиш асосида сотиш жараёнини ҳисобга олишни такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Ватомская ва бошқалар (2022) “Тушум ташкилот томонидан олинган пул маблағлари (тўлов ҳисобидан бошқа активлар) миқдори ёхуд дебиторлик қарзининг суммасига teng бўлади, шунингдек тушум ҳисобланган лекин харидорга тўлаш учун тақдим қилинмаган ҳолатларда ҳам ҳисобланиши мумкин.” деб таърифлайди.

Темирханованинг(2024) “Шундай қилиб МҲҲСларига яқинлаштириш мақсадида асосий фаолиятидан даромадлар ва бошқа даромадларни қамраб олувчи даромадларни фаолият турлари бўйиа таснифлашга аниқлик киритишни, чунончи аниқ чегаралашлар мақсадида жорий, инвестициявий ва молиявий фаолиятлари бўйича даромадлар моддаларини қайта кўриб чиқиш ёки ташкилотларга уларнинг бухгалтерларнинг профессионал мушоҳада ва ташкилот фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб ташкилотлар тасарруфига беришни таклиф этамиз” таклифига қўшиламиз.

Эшпўлатова (2021) “Шартномалар бўйича тушумни тан олишда дебиторлик қарзлари ва шартномавий активлар тушунчасига аниқлик киритиш муҳим аҳамият касб этади” муҳимлигини қайд қилиб уларга таъриф келтирган. Лекин, тушумларга оид бўлган дебиторлик қарзларини баҳолаш масалалари акс эттирилмаган.

Россияда ҳам тушумлар ҳисоби ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда, жумладан "одатдаги фаолиятидан олинган даромадлар" тушунчаси киритилган. Бу борада Белогина (2023) “Хозирги вақтда одатдаги фаолиятидан олинган даромадлар ҳисоби ПБУ 9/99 “ташкилот даромадлари” Россия стандарти ва тушумга оид бўлган ҳалқаро стандартлар билан тартибга солинишини” қайд қилган. Чунки айнан, ҳалқаро стандартларга мувофиқ одатдаги фаолиятидан олинган даромад тушум деб тан олинади.

Малей (2024) “ҳалқаро молиявий кризис шароитида бизнинг назаримизда тушумнинг келиб тушишига ишончлилик таъминотчи ташкилот томонидан ҳисобда тушумни тан олишнинг зарурӣ шартларидан ҳисобланади...” деб таъкидланиши ҳам тушумларни тан олишда юқори эҳтимол билан пулнинг келиб тушиши муҳим омил эканлигини англаради.

15-сон МҲҲС (2018) стандартининг мақсади компаниялар ўзларининг тушумларини ҳар қандай бизнес ҳолатларда ишончли ва ҳаққоний тан олиш, ташқи қизиқувчиларга барча пул тушумлар тўғрисида объектив кўринишларни тақдим қилишга эришишда амал қилинадиган қоидалар муажмуасини ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади. Натижада, турли фаолият билан шуғулланувчи компанияларнинг қиёсланувчанлиги таъминлаган ҳолда бир хил кўринишда, битта тилда ва батта шаклда ҳисботларни тақдим этиш имконияти юзага келади. Бошқача қилиб айтганда стандарт турли хил компанияларнинг тушумлар бўйича ҳисботларнинг бир хиллиги ва мазмунининг қоидаларга мавофиқлигини таъминловчи меъёрdir.

15-сон МҲҲС 2018 йил 1 январдан кучга киритилган. Стандарт қоидалари тушумларни бешта босқичда тан олишни кўзда тутади:

1. Шартномаларни идентификация қилиш;
2. Шартномаларда бажарилишларга оид мажбуриятларни идентификация қилиш;
3. Шартноманинг баҳоси;
4. Шартнманинг баҳосини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш;
5. Бажарилишларга оид мажбуриятлар бажарилиши мабойнида тушумни тан олиш.

Ушбу босқичларнинг ҳар бирида амалга ошириладиган ишларни маълум илмий асосланган кетма-кетлиқда пухта бажарилиши талаб этилади.

Таҳлил ва натижалар мұхомаси.

Тушумни тан олиш ва ҳисобларда акс эттиришнинг бешта босқичидаги мұхим жараён ҳисобланған операция нархини белгилашда құлланиладиган **ўзгарувчан қоплама ва унинг чегараланишларини** ҳисобга олиш масалаларига түхталиб ўтсак. Шартномада вәйда қилинған қоплама сүммаси чегирма, дисконт, қоплаб бериш, йиғилған баллар, баҳодан тушишлар, рафбатлар, бонуслар, жарималар ва бошқа омиллар ҳисобидан ўзгаради. Қопламанинг ўзгарувчан бўлишига сабаб, унинг юз бериши маълум ҳодисаларнинг келгусида рўй бериши ёки рўй бермаслигига боғлиқ бўлади. Ўзгарувчан қопламани баҳолашнинг энг эҳтимолли миқдор методи кенг қўлланилади.

МЧЖ “ASIA CARPET TEXTILE” корхонаси МЧЖ “SAM RIN TRADE” корхонаси билан 125 450 000 сўмга ошхона жиҳозларини 2023 йил 1 июнга етказиб бериш бўйича шартнома тузди. Агарда 20 майгача етказилиб берилса шартнома сүммасига нисбатан 8% бонус (мукофат) бўлиши белгиланған. Агарда жиҳозлар 20 майдан кейин етказиб берилса бонус бўлмайди. Демак, шартнома сүммасини иккита қисмга ажратиш мумкин бўлади. Биринчи операция нархининг ўзгармас қисми. Бу сүммани қуйидагича аниқлаймиз:

Шартномада кўрсатилган операция нархининг ўзгармас қисми – 125 450 000 сўм.

Шартноманинг ўзгарувчан сүммаси энг эҳтимолли метод усулида баҳоланади. Ўтган йиллар ва ундан олдинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, компания юқори эҳтимол билан ошхона жиҳозларини 20 майгача етказиб беради. Бу борада маркетинг бўлими мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари мавжуд. У ҳолда мазкур шартноманинг ўзгарувчан қисми, яъни бонус (мукофат) сүммасини аниқлаймиз:

$$\text{Операция нархининг ўзгарувчан қисми} = \frac{125\,450\,000 \times 8\%}{100\%} = 10\,036\,000 \text{ сўм}$$

Шартнома бўйича операция нархини аниқлаймиз. Операция нархи икки қисмдан иборат тушумларнинг йиғиндисидан иборат бўлади:

Шартнома бўйича операция нархи = Операция нархининг ўзгармас қисми + операция нархининг ўзгарувчан қисми (1)

Ушбу ёндашув асосида юқорида ҳолатда операция нархи қуйидаги сүммани ташкил этади:

Шартнома бўйича операция нархи = 125 450 000 + 10 036 000 = 135 486 000 сўм

Бундай операцияларни амалиётда кўплаб учрашимиз мумкин. Асосий масала бизнинг амалиётимизда ҳам ўзгарувчан қопламаларни аниқлаш ва тушумнинг умумий сүммасига киритишнинг услубий масалалари ҳали ўзининг ечимини топган эмас.

Операция нархини аниқлашда шартномада молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлигини аниқлаш мұхим аҳамият касб этади.

Молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлиги деганда, агарда товар (тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар)ни сотишда пул маблағларининг бугунги кундаги қиймати бир неча йиллардан кейинги қийматидан катта бўлган ҳолларда юзага келадиган жараён бўлиб, унинг натижасида молиявий даромад ёки молиявий харажатлар тан олиниши талаб этиладиган ҳолат тушунилади. 15-сон МХХСга мувофиқ молиялаштиришнинг салмоқли компоненти юза келишини вайда қилинған товар/хизматларни мижозларга узатиш вақти билан улар учун тўловларни амалга ошириш вақти бир йилдан ошган ҳолларда эътироф этиш тавсия этилади.

Бундай ҳолларда молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлигининг бир қанча сабаблари мавжуд бўлади. **Биринчидан**, ташкилот харидорга бир йилдан кейин тўлаш шарти билан вайда қилинған товар/хизматларни сотади. Ушбу муддат давомида харидор ҳали товар/хизматлар учун пулини тўламасдан эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлади, яъни активни назорат қилиш ҳуқуқи харидорга ўтади. Натижада, харидорнинг фаолиятини молиялаштириш юзага келади. **Иккинчидан**, харидор ўз

фаолиятига пул маблағлари кўринишида эмас, балки товар/хизмат кўринишида четдан маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади, яъни харидорда узоқ муддатли мажбурият юзага келади. Бу ҳолат харидор томонидан банқдан узоқ муддатли кредит олган тақдирда ҳам узоқ муддатли мажбуриятлар юзага келиш ҳолати билан бир хил идентификацияланади. Харидор ушбу узоқ муддатли тўлаш шарти билан олинган товар/хизматларни қисқа муддатда пул маблағларига айлантириш ва ўзининг фаолиятини шартномадаги тўлов муддатига қадар молиялаштриш имкониятига эга бўлади.

Молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлганда тушум ва дебиторлик қарзларини баҳолаш ҳамда бухгалтерия счёtlарида акс эттириш тартибини қуйидаги ўзаро боғлиқ бешта босқичда аниқлаш тартибини тавсия этамиз.

Биринчи босқич – дисконтлаш ставкаси асосида тушумни келтирилган қийматда баҳолаш;

Иккинчи босқич – молиявий даромад ёки молиявий харажатларни аниқлаш;

Учинчи босқич – узоқ муддатли дебиторлик қарзларини амортизацияланган қиймати бўйича баҳолаш;

Тўртинчи босқич – тушумни ва дебиторлик қарзларини бухгалтерия счёtlарида акс эттириш;

Бешинчи босқич – тушумни ва дебиторлик қарзларини молиявий ҳисоботларда акс эттириш;

1-босқич – дисконтлаш ставкаси асосида тушумни келтирилган қийматда баҳолаш. Бизнинг амалиётимизда молиялаштиришнинг салмоқли компоненти юзага келганда тушумни келтирилган қийматда тан олиш услубиёти қўлланилмайди. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида пулнинг қадри, унинг қиймати ўзгариши шароитида ушбу жараёнларни ҳисобга олиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, биз амалдаги тартиб билан 15-сон МҲҲС ва бошқа молиявий инструментларга оид стандартларнинг талабларига мувофиқ равишда ҳисобга олишнинг услубий масалаларини кўриб ўтамиз.

Бунинг учун келтирилган қийматда баҳолаш тартибини кўриб чиқамиз. Келтирилган қийматни халқаро стандартларда қайд қилинган формуласидан фойдаланнамиз:

$$PV = \frac{FV}{(1+i)^n} \quad (1)$$

Бу ерда, PV (Present value) – вақт омилини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий қиймат; FV (Future value) – келгусида пул оқими; i – фоиз ставкаси; n – даврнинг тартибли рақами.

Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган ASIA CARPET TEXTILE МЧЖ корхонаси 2023 йилнинг бошида 83 836 500 сўм тайёр маҳсулотини ҳар йилнинг охирида 27 945 500 сўмдан тўлаш шарти билан харидорга сотди. Тўлов ҳар йилнинг охирида, яъни 31 декабрь 2023 йил, 31 декабрь 2024 ва 31 декабрь 2025 йилларда амалга оширилади. Дисконтлаш ставкаси 6%.

Дисконтлаш ставкаси деган тушунча бизнинг амалиётимизга ҳам жорий қилинди. Ўзбекистон Республикаси 9-сон МБМС (2009) "Бизнес қийматини баҳолаш" стандартига мувофиқ, "дисконтлаш ставкаси" – бўлғуси пул тушумларини жорий қийматга айлантириш учун фойдаланиладиган иқтисодий самара ставкаси" деб тавсифланган. Иқтисодий адабиётларда (2022) "дисконтлаш ставкаси – бу фоизларда ифодаланган этalon миқдор бўлиб, инвестициялар самарадорлигини қиёсий баҳолаш учун қўлланилади" деб таъриф келтирилган. Дисконтлаш ставкасини ҳисоблашда фоизлар ставкасининг умумий даражаси, инфляция даражаси, алоҳида инструментларга қуюлмалар ставкаси ва риск омиллари, шунингдек бошқа омиллар ҳисобга олинади. Дисконтлаш ставкасини ҳисоблашда корхона мустақилдир. Уни биронта давлат органи ҳисоблаб чиқариб эълон қилмайди. Бу корхонанинг молия сиёсатида ички фойдаланиш учун белгиланади.

Тушум суммасини бугунги кунда вақт омилини ҳисобга олган ҳолда қийматини, яъни келтирилган қийматини баҳолаш натижаларини қуйидаги 1-жадвалда расмийлаштирамиз.

1-жадвал

“ASIA CARPET TEXTILE” МЧЖ корхонаси бўйича тушумни келтирилган қийматда баҳолаш

Давр	Тушумни баҳоланган суммаси
2023 йил 3 январь	Чиқарилган тайёр маҳсулотнинг суммаси: 83 836 500
2023 йил 31 декабрь	$PV = \frac{27945500}{(1+0.06)^1} = 27945500 / 1,06 = 26 363 679$
2024 йил 31 декабрь	$PV = \frac{27945500}{(1+0.06)^2} = 27945500 / 1,1236 = 24 871 396$
2025 йил 31 декабрь	$PV = \frac{27945500}{(1+0.06)^3} = 27945500 / 1,191016 = 23 463 581$
Жами	(2) (26363679+24871396+23463581)= 74 698 656 Молиявий даромад (83836500-74698656)= 9 137 844

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

1-жадвал асосида хулоса қилишимиз мумкинки, ушбу ҳолатда молиялаштиришнинг салмоқли элементи мавжуд деб баҳолаш мумкин. Корхона харидорга уч йил муддатда ҳар йили teng нисбатларда тўлаш шарти билан маҳсулот чиқармоқда. Демак, харидор салмоқли молиялаштириш манбасига эга бўлади. 2023 йил 3 январда счёт-фактура асосида чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг қиймати 83 836 500 минг сўмни ташкил этади. Агарда тўлов бир йил муддат ичида тўланганда эди, яъни молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлмаганда эди тушум 83 836 500 сўм миқдорида баҳоланган бўлар эди. Харидор уч йил ичида teng нисбатларда 27 945 500 сўм тўлаб боради. 2023 йил 3 январдаги 83 836 500 сўм 2023 йил 31 январдаги 83 836 500 сўмга тўлов қиймати жиҳатида teng эмас. Чунки, иқтисодиётда инфляция даражаси бор, банкларнинг фоиз ставкаси мавжуд. Буни бошқача ҳолатда тушунтирадиган бўлсақ, 2023 йил 3 январда 83 836 500 мингга сотиб олишингиз мумкин бўлган товар қиймати ва миқдори 2023 йил 31 декабрь ҳолатида шу пулга айнан миқдордаги ва сифатдаги товарни сотиб ололмаслиги мумкин. Шу боис, халқаро стандартлар тўланадиган пул маблағларининг санасига боғлиқ ҳолда тушумни келтирилган қийматда баҳолашни талаб этади. Юқоридаги ҳолатда тушумнинг келтирилган қиймати 76 698 656 сўм қилиб баҳоланди. Халқаро стандарт айнан ушбу суммани тушум сифатида тан олишни тақозо этади. Демак, корхонанинг тушуми 83 836 500 сўм эмас, балки 76 698 656 сўм бўлади.

2-босқич. молиявий даромад ёки молиявий харажатларни аниқлаш. Товар (тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар) счёт-фактура асосида чиқарилган вақтдаги қиймати билан тушумнинг баҳоланган суммаси ўртасидаги фарқ молиявий даромад сифатида тан олинади.

Молиявий даромад деганда, харидорга узоқ муддатда тўлаш шарти билан товар (тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар) сотилганда чиқарилган товар (тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар)нинг фактурадаги сотиш қиймати билан тушумни дисконтлаш ставкаси асосида келтирилган қиймати ўртасидаги фарқ суммасига айтилади.

Молиявий даромадни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$M\Delta = CTFK - TBK \quad (2)$$

Бу ерда, $M\Delta$ – Молиявий даромад; $CTFK$ – Сотилган товар (тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар) фактура қиймати; TBK – Тушумнинг баҳоланган қиймати.

Юқоридаги маълумотлар асосида молиявий даромадни ҳисоблаймиз:

$$\text{МД} = 83\ 836\ 500 - 74\ 698\ 656 = 9\ 137\ 844 \text{ сўм}$$

9-сон МХХС “Молиявий инструментлар” стандартига мувофиқ ваъда қилинган товарлар/хизматлар узоқ муддатда кейинчалик тўлаш шарти билан сотилганда, яъни молиялаширишнинг салмоқли компоненти юзага келиши тан олинганда узоқ муддатли дебиторлик қарзларини амортизацияланадиган қийматда акс эттириш талаб этилади.

3-босқич. узоқ муддатли дебиторлик қарзларини амортизацияланган қиймати бўйича баҳолаш.

Узоқ муддатли тўлаш шарти билан харидорларга ваъда қилинган товар/хизматлар сотилганда молиялаширишнинг салмоқли компонентининг мавжудлиги дебитор қарзларни амортизацияланадиган қийматда акс эттириш имкониятини юзага келтиради.

Дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қиймати деганда, дебиторлик қарзларининг ҳисобот йили бошидаги баланс қийматига йил давомида ҳисобланган молиявий даромадларни қўшиб, харидор томонидан амалга оширилган тўловлар ҳамда баҳоланган резерв суммасини чегириб ташлагандан кейинги суммага айтилади. Дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қийматини қўйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$\text{ДҚАҚ} = \text{ДҚо} + \text{МД} - \text{ТС} - \text{БР} \quad (3)$$

Бу ерда, ДҚАҚ – Дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қиймати, МД – Молиявий даромад, ТС – Тўлов суммаси, БР – Қадрсизланиш бўйича баҳоланган резерв суммаси.

Юқорида корхонанинг амалий мисоллари асосида дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳолаш натижаларини 2-жадвалда расмийлаштирамиз.

2-жадвал

“ASIA CARPET TEXTILE” МЧЖ корхонаси бўйича узоқ муддатли дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қийматини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар

Сана	Давр бошидаги амортизацияланадиган қиймати	Молиявий даромад (фоизлар), 6%	Тўлов суммаси	Баҳоланган резерв	Давр охиридаги амортизацияланадиган қиймати
2023 йил	74 698 656	4 481 919	27 945 500	0	51 235 075
2024 йил	51 235 075	3 074 105	27 945 500	0	26 363 680
2025 йил	26 363 680	1 581 820	27 945 500	0	0
Жами	9 137 844		83 836 500		

2-жадвал асосида аниқланган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини иккита ҳолатда текшириш мумкин. Биринчи ҳолатда 2025 йил 31 декабр ҳолатида тўлов амалга оширилгандан кейин дебиторлик қварзларининг амортизацияланадиган қиймати нолга teng бўлиши мумкин. Иккинчи ҳолатда эса жадвалдаги амалга оширилган тўлов суммалари билан давр бошидаги дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қиймати ўртасидаги фарқ суммаси молиявий даромад суммасини бериши керак бўлади. Ушбу жиҳатни қўйидаги формула орқали аниқлаш мумкин бўлади:

$$\text{МД} = \text{ЖТС} - \text{ДҚАҚо} \quad (4)$$

Бу ерда, МД – Молиявий даромад, ЖТС – Жами тўлов суммаси, ДҚАҚо – Давр бошида дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қиймати. Давр бошида дебиторлик

қарзларининг амортизацияланадиган қиймати тушумнинг келтирилган қийматига тенг бўлади. Ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириб, жадвалдаги ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текширамиз:

$$\text{МД} = 83\,836\,500 - 74\,698\,656 = 9\,137\,844 \text{ сўм}$$

Ушбу сумма 2-жадвалдаги жами молиявий даромад суммаси 9 137 844 сўмни ташкил қилмоқда. Демак, ҳисоб-китоблар тўғри бажарилган.

Тўртинчи босқич – тушумни ва дебиторлик қарзларини бухгалтерия счёtlарида акс эттириш. Ушбу босқичда юқоридаги ҳисоб-китоблар натижаларини миллий стандартлар ва халқаро стандартларда бухгалтерия ёзувларида акс эттирамиз. Бунинг учун миллий ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ равища ишчи счёtlар режасини ишлаб чиқамиз (3-жадвал).

3-жадвал

“ASIA CARPET TEXTILE” МЧЖ корхонасининг ишчи счёtlар режасида тушумни, дебиторлик қарзлари ҳамда шартномавий мажбуриятларни ҳисобга олишга мўлжалланган счёtlар

Счёtlар т.р.	Ҳисобга олувчи счёtlар
0940	Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари
4010	Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар
5110	Банқдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари
9010	Тайёр маҳсулотларни харидорлар билан шартномалар бўйича сотишдан тушумлар
9530	Фоиз кўринишидаги даромадлар
9610	Фоиз бўйича харажатлар
7410	Шартномавий мажбуриятлар

Ушбу счёtlар ёрдамида миллий стандартларимизда тушумни ва дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш тартибини келтирамиз. Юқоридаги операцияда тайёр маҳсулот сотиш жараёни натижаларини қўйидаги жадвалда акс эттирамиз (4-жадвал).

4-жадвал

“ASIA CARPET TEXTILE” МЧЖ корхонаси бўйича миллий стандартлар талабларига мувофиқ тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган тушум ва дебиторлик қарзларини бухгалтерия счёtlарида акс эттириш тартиби

Сана	Бизнес иқтисодий операция мазмуни	Счёtlар боғланиши		Сумма
		Д-т	К-т	
2023 йил 3 январь	2023 йилнинг бошида 83 836 500 сўм тайёр маҳсулотини ҳар йилнинг охирида 27 945 500 сўмдан тўлаш шарти билан харидорга сотди	0940	9010	83 836 500
2023 йил 3 январь	Узоқ муддатли дебиторлик қарзининг 2023 йилга тааллуқли бўлган жорий қисми жорий дебиторлик қарзи счётига ўтказилди ($83836500 / 3 = 27945500$ сўм)	4010	0940	27 945 500
2023 йил 31 декабрь	Узоқ муддатли дебиторлик қарзининг жорий йилга тааллуқли бўлган қисми учун харидордан пул келиб тушди	5110	4010	27 945 500
2024 йил 3 январь	Узоқ муддатли дебиторлик қарзининг 2024 йилга тааллуқли жорий қисми жорий дебиторлик қарзи счётига ўтказилди	4010	0940	27 945 500
2024 йил 31 декабрь	Узоқ муддатли дебиторлик қарзининг жорий йилга тааллуқли бўлган қисми учун харидордан пул келиб тушди	5110	4010	27 945 500

2025 йил 3 январь	Узоқ муддатли дебиторлик қарзининг 2025 йилга тааллуқли жорий қисми жорий дебиторлик қарзи счётига ўтказилди	4010	0940	27 945 500
2025 йил 31 декабрь	Узоқ муддатли дебиторлик қарзининг жорий йилга тааллуқли бўлган қисми учун харидордан пул келиб тушди	5110	4010	27 945 500

Манба: 21-сон БХМС асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу бизнес иқтисодий операцияларни халқаро стандартлар, жумладан 15-сон МХХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” ҳамда молиявий инструментларни ҳисобга оловчи стандартлар талабларига мувофиқ бухгалтерия счёtlарида акс эттирамиз (5-жадвал).

5-жадвал

“ASIA CARPET TEXTILE” МЧЖ корхонасининг 15-сон МХХСга мувофиқ тушумларни ва дебиторлик қарзларини акс эттириш тартиби

Сана	Бизнес иқтисодий операция мазмуни	Счёtlар боғланиши		Сумма
		Д-т	К-т	
2023 йил 3 январь	Корхона 2023 йилнинг бошида 83 836 500 сўм тайёр маҳсулотини ҳар йилнинг охирида 27 945 500 сўмдан тўлаш шарти билан харидорга сотди. Тўлов ҳар йилнинг охирида, амалга оширилади. Тушумнинг тан олинган суммаси 74 698 656 сўм	0940	9010	74 698 656
2023 йил 3 январь	Узоқ муддатли дебиторлик қарзининг 2023 йилга тааллуқли бўлган жорий қисми жорий дебиторлик қарзи счётига ўтказилди (74 698 656 - 51 235 075)	4010	0940	23 463 581
2023 йил 31 декабрь	2023 йил учун ҳисобланган молиявий даромад	4010	9530	4 481 919
2023 йил 31 декабрь	Харидордан пул келиб тушди	5110	4010	27 945 500
2024 йил 3 январь	Узоқ муддатли дебиторлик қарзининг 2024 йилга тааллуқли бўлган жорий қисми жорий дебиторлик қарзи счётига ўтказилди (51 235 075 - 26 363 680)	4010	0940	24 871 395
2024 йил 31 декабрь	2024 йил учун ҳисобланган молиявий даромад	4010	9530	3 074 105
2024 йил 31 декабрь	Харидордан пул келиб тушди	5110	4010	27 945 500
2025 йил 3 январь	Узоқ муддатли дебиторлик қарзининг 2025 йилга тааллуқли бўлган жорий қисми жорий дебиторлик қарзи счётига ўтказилди	4010	0940	26 363 680
2025 йил 31 декабрь	2025 йил учун ҳисобланган молиявий даромад	4010	9530	1 581 820
2025 йил 31 декабрь	Харидордан пул келиб тушди	5110	4010	27 945 500

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу ҳисоб-китоблар асосида хулоса қиласиган бўлсак, 4-жадвалда миллий стандартлар асосида ва 5-жадвалда эса тушумни ҳамда дебиторлик қарзларни бухгалтерия счёtlарида акс эттириш тартиби келтирилган. Миллий ва халқаро

стандартларга асосан ҳисобларда қайд қилиш масаласида бир қанча фарқлар мувжуд. Ушбу фарқли жиҳатларга тўхталиб ўтайлик.

Биринчидан, 4-жадвалда тушум суммаси 83 836 500 сўм қайд қилинган бўлса, халқаро стандартлар асосида тузилган жадвалда эса 74 698 656 сўмга тенг бўлган. Бундан хулоса шуки, халқаро стандартлар молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлган ҳолларда тушум келтирилган қийматда тан олишини тақозо этади.

Иккинчидан, чиқарилган товар/хизматлар суммаси билан тушумнинг баҳолангандан суммаси ўртасидаги фарқ молиявий даромад деб баҳоланиб, алоҳида счётда акс эттирилган. Миллий стандартимизда узоқ муддатга тўлаш шарти билан товар (тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар) сотилганда молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлиги, яъни тижорат кредити сифатида тан олиниши кўзда тутилмаган. Шу боис, ушбу ҳолатларда фоиз бўйича даромадларни акс эттириш белгиланмаган.

Учинчидан, халқаро стандартда узоқ муддатли савдо дебиторлик қарзларини амортизацияланадиган қийматда акс эттириш тартиби белгиланган. Унга мувофиқ дебиторлик қарзининг бошланғич қийматига фоиз бўйича даромадлар қўшилиб, тўловлар чегириб ташланади. Амортизацияланадиган қийматига нисбатан фоиз ҳисобланган. Бундай тартиб миллий стандартимизда кўзда тутилмаган. Дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қиймати деган тушунча амал қилмайди.

Тўртинчидан, узоқ муддатли савдо дебиторлик қарзларидан жорий қисмини аниқлашнинг услубий тартибида ҳам фарқ мавжуд. Миллий стандартда дебиторлик қарзларининг ҳар йилги жорий қисми бошланғич дебиторлик қарзини учга бўлиш орқали топилган, яъни $83836500 / 3 = 27945500$ сўм бўлган. Халқаро стандартда эса, узоқ муддатли активларнинг жорий қисмини аниқлаш учун йил бошидаги дебиторлик қарзидан ҳисоб-китоблар асосида баҳоланган йил охиридаги дебиторлик қарзларини айриш орқали топилади. Масалан, 2023 йил учун жорий дебиторлик қарзлари ($74\,698\,656 - 51\,235\,075 = 23\,463\,581$ сўм) ташкил этади.

Бешинчидан, ушбу ҳолат солиқ қонунчилигида ҳам маълум ҳолатларни келтириб чиқаради. Солиқ қонунчилиги 83 836 500 сўм тушумни қайд қилишни тақозо қиласди. Молиявий бухгалтерия ҳисоби эса 74 698 656 сўм тушум бўлишини эътироф этади. 2023 йили 4 481 919 сўм молиявий даромадни қайд этади.

Бешинчи босқич – тушумни ва дебиторлик қарзларини молиявий ҳисоботларда акс эттириш;

Бухгалтерия балансида дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қийматида акс эттирамиз (6-жадвал)

6-жадвал

“ASIA CARPET TEXTILE” МЧЖ корхонасининг бухгалтерия балансида узоқ муддатли дебиторлик қарзларини амортизацияланадиган қийматда акс эттириш

Баланс муддаси	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охирида
2023 йил			
Узоқ муддатли савдо дебиторлик қарзлари		74 698 656	51 235 075
2024 йил			
Узоқ муддатли савдо дебиторлик қарзлари		51 235 075	26 363 680
2025 йил			
Узоқ муддатли савдо дебиторлик қарзлари		26 363 680	0

Изоҳ. Бухгалтерия баланси фақат битта операция натижасини акс эттирган ҳолатда тузилган

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги тартибда акс эттирамиз (7-жадвал).

7-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тушум ва молиявий даромадларни акс эттириш

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Сумма
2023 йил		
Тушум		74 698 656
Молиявий даромад		4 481 919
2024 йил		
Молиявий даромад		3 074 105
2025 йил		
Молиявий даромад		1 581 820

Изоҳ. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисббот фақат битта операция натижасидаги ҳолатда акс эттирилган.

Солиқ Кодекси халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида дисконтлаш ставкаси ва тушумни келтирилган қийматда баҳоланишини эътироф этадиган моддаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (8-жадвал).

8-жадвал

Солиқ Кодексига солиқ солиш мақсадларида товарларни (хизматларни) тан олиш бўйича таклифлар

Амалда	Таклиф этилади
Ушбу бўлим мақсадида жами даромадга (бундан буён ушбу бўлимда даромад деб юритилади) ҳар қандай шаклда ва (ёки) ҳар қандай фаолиятдан олиниши лозим бўлган даромадлар (бундан буён матнда олинган даромадлар деб юритилади), хусусан, қуидаги даромадлар киради: 1) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад;	Ушбу бўлим мақсадида жами даромадга (бундан буён ушбу бўлимда даромад деб юритилади) ҳар қандай шаклда ва (ёки) ҳар қандай фаолиятдан олиниши лозим бўлган даромадлар (бундан буён матнда олинган даромадлар деб юритилади), хусусан, қуидаги даромадлар киради: 1) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган соф даромад. Соф даромад деганда, тақдим қилинган чегирмалар, нархидан тушишлар ва қайтарилишлар чегирилгандан кейинги тушумга айтилади. Молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд деб тан олинса солиқ солиш мақсадларидағи соф даромад дисконтлаш ставкасини ҳисобга олган ҳолда келтирилган қийматда ҳисобланади;

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлган ҳолларда молиявий харажатлар, яъни фоиз бўйича харажатлар ҳам юзага келиши мумкин. Бу асосан буюртма бўйича узоқ муддатда ишлаб чиқариладиган соҳаларда, масалан кемасозлик, самалётсозлик, йирик машина ва механизмлар ишлаб чиқариш ва бошқа ишлаб чиқариш бир йилдан ортиқ давом этадиган ишлаб чиқаришларда юзага келади.

Молиявий (фоиз бўйича) харажатлар деганда, бир йилдан кўп муддатларга харидордан олинган аванс суммасининг дисконтлаш ставкаси асосида келтирилган қиймати билан ваъда қилинган товар (тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар)нинг фактурадаги сотиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига айтилади.

Корхона шартномага мувофиқ харидордан 2023 йил 2 январида йирик машинани 2024 йилнинг охирида етказиб бериш учун 885 440 000 сўм аванс тўловини олди. Дисконтлаш ставкаси 6%. Ушбу ҳолатда харидор томонидан корхонанинг фаолиятини салмоқли молиялаштириш амалга оширилмоқда.

Бундай ҳолларда тушум суммаси қуйидагича аниқланади.

$$T = A + MX \quad (5)$$

Бу ерда T – тушум, A – олдиндан олинган тўловлар (аванслар), MX – молиявий харажатлар.

Молиявий харажатларни аниқлаш учун шартнома бўйича мажбуриятларни тан олиш талаб этилади. Ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қуйидаги жадвални тузамиз (9-жадвал).

9-жадвал

Корхонасининг фоиз харажатлари ва шартнома бўйича мажбуриятларнинг ҳисоб-китоби

Давр	Ҳисобот даврининг бошида шартномавий мажбуриятлар	Молиявий харажатлар (фоиз бўйича харажатлар)	Ҳисобот даврининг охирида шартномавий мажбуриятлар
2023	885 440 000	53 126 400	938 566 400
2024	938 566 400	56 313 984	994 880 384
Жами		109 440 384	

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу жараёнларни миллий ва халқаро стандартлар асосида акс эттириш тартибини кўриб чиқайлик.

Миллий стандартимизга асосан, тушум ва узоқ муддатли мажбуриятларни бухгалтерия счёtlарида акс эттириш тартибини қуйидаги 10-жадвалда келтирамиз.

10-жадвал

Корхона бўйича миллий стандартлар асосида тушум ва узоқ муддатли мажбуриятларни акс эттиришга доир бухгалтерия ёзувлар

Сана	Операция мазмуни	Счёtlар боғланиши		Сумма
		Дебет	Кредит	
03.01.2023	Харидордан олинган аванс суммаси	5110	7310	885 440 000
31.12.2024	Харидорга ваъда қилинган машина етказиб берилди	7310	9010	885 440 000

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу жадвал асосида хulosа қиласиган бўлсак, миллий стандартларимиз асосан ҳисоблаш тамойилига мувофиқ, тушум харидордан аванс олинган пайтда эмас, балки ваъда қилинган товарлар етказиб берилганда тушум тан олинади. Миллий стандартимизга асосан аванс олинган пайтда харидордан олинган аванслар бўйича узоқ муддатли мажбурият юзага келади. Товар/хизматлар харидорга жўнатилганда эса тушум тан олинади. Тушум суммаси 885 440 000 сўмни ташкил этади.

Халқаро стандартларга мувофиқ эса тушум суммаси 994 880 384 сўмни ташкил этади. Бу жўнатилган товарлар ҳамда ҳисобланган фоизлар суммасидан иборат бўлади ($994\ 880\ 384 = 885\ 440\ 000 + 109\ 440\ 384$).

Ушбу жараённи юқоридаги келтирилган счёtlардан фойдаланиб бухгалтерия ёзувларида акс эттирамиз (11-жадвал).

11-жадвал

Корхонанинг халқаро стандартлар асосида тушум ва шартномавий мажбуриятларни акс эттиришга доир бухгалтерия ёзувлари

Сана	Операция мазмуни	Счёты		Сумма
		Дебет	Кредит	
03.01.2023	Харидордан олинган аванс суммаси	5110	7410	885 440 000
31.12.2023	2023 йил учун ҳисобланган фоиз суммаси	9610	7410	53 126 400
31.12.2024	2024 йил учун ҳисобланган фоиз суммаси	9610	7410	56 313 984
31.12.2024	Харидорга ваъда қилинган машина етказиб берилди	4010	9010	885 440 000
31.12.2024	Харидордан олинган аванс ҳисобидан шартномавий мажбурият қопланди	7410	4010	885 440 000
		7410	9010	109 440 384

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу жадвал маълумотлари асосида хулоса қилишимиз мумкинки, шартномавий мажбуриятлар, яъни 7410 “Шартномавий мажбуриятлар” счётининг кредитидаги сумма 994 880 384 сўм ($885\ 440\ 000 + 53\ 126\ 400 + 56\ 313\ 984$)ни ташкил этади. 9010 - счётнинг кредитидаги сумма тушум суммасини тавсифлайди. Ушбу сумма ҳам 994 880 384 сўм ($885\ 440\ 000 + 109\ 440\ 384$)га teng.

Миллий ва халқаро стандартлар бўйича бир қанча фарқлар мавжуд. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, тушум суммасини тан олишдаги фарқлар, хусусан миллий стандартлар бўйича тушум суммаси 885 440 000 сўм бўлса, халқаро стандартлар бўйича тушум суммаси 994 880 384 сўмни ташкил этмоқда.

Иккинчидан, миллий стандартга мувофиқ узоқ муддатли олдиндан аванс олинганда, яъни корхона фаолиятини салмоқли молиялаштириш ҳолати мавжуд бўлганда молиявий харажатлар (фоиз бўйича харажатлар) юзага келмоқда. Фоиз бўйича харажатлар тушумнинг таркибига киритилмоқда.

Учинчидан, халқаро стандартларда шартномавий мажбуриятлар тан олинмоқда, қайсики миллий стандартларимизда ушбу тушунчага тавсиф келтирилмаган. Шартномавий мажбуриятлар дейилганда, компаниянинг харидорга ваъда қилинган товар ва хизматларни узатиш бўйича мажбурияти, компания унинг учун харидордан қоплама олади. Шартномавий мажбурият таркибига чиқарилган товар ёки хизматлар қиймати ҳамда фоиз бўйича харажатлар киради.

Ушбу жараёнларни молиявий ҳисоботларда акс эттирамиз (12-жадвал).

12-жадвал

Корхонанинг бухгалтерия балансида шартномавий мажбуриятларни амортизацияланадиган қийматда акс эттириш

Баланс моддаси	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охирида
2023 йил			
Шартномавий мажбуриятлар		885 440 000	938 566 400
2024 йил			
Шартномавий мажбуриятлар		938 566 400	994 880 384

Изоҳ. Бухгалтерия баланси фақат битта операция натижасини акс эттирган ҳолатда тузилган.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбототда қўйидаги тартибда акс эттирамиз (13-жадвал).

13-жадвал

**Корхона бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тушум
ва молиявий харажатларни акс эттириш**

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Сумма
2023 йил		
Тушум		0
Молиявий харажатлар		109 440 384
2024 йил		
Тушум		994 880 384
Молиявий харажатлар		56 313 984

Изоҳ. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот фақат битта операция натижасидаги ҳолатда акс эттирилган.

Ушбу ҳисоботларда халқаро стандартларга мувофиқ равишда шартномавий активлар, тушум ва молиявий харажатлар акс эттирилган. Бу албатта ахборот фойдаланувчилар учун фойдали бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқотлар жараёнида бугунги кунда халқаро стандартларга ўтиш долзарб масала ҳисобланади. МҲҲСларини жорий этиш молиявий ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг ишончлиги ва ҳаққонийлигини таъминлайди.

Бизнинг назаримизда МҲҲСларга ўтаётган корхоналар биринчи навбатда тушумларни ҳисобга оладиган стандартларнинг талабларини ҳисобга олиши лозим бўлади. Чунки, даромадлар ҳисобининг сифати бошқа обьектлар ҳисоби обьективлигини белгилайди. Шу мақсадда 15-сон МҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти талабларини чуқур ўрганиш талаб этилади. Мазкур стандарт тушумларни бешта босқичдан иборат модел асосида тан олиш тизими жорий этди. Ушбу босқичларда операция нархини аниқлаш асосий жараёнлардан ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида энг эҳтимолли миқдор методи асосида аниқлаш тартиби кўрсатиб берилди. Ушбу ҳолатларни амалиётда инобатга олиниши ҳисоботларнинг ишончлигини ва келгусидаги баҳолашларга асосланганлигини таъминлайди.

Молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлганда тушум ва дебиторлик қарзларини баҳолаш ҳамда бухгалтерия счётларида акс эттириш тартибини қўйидаги ўзаро боғлиқ бешта босқичда аниқлаш тартибини тавсия этилди: Биринчи босқич – дисконтлаш ставкаси асосида тушумни келтирилган қийматда баҳолаш; Иккинчи босқич – молиявий даромад ёки молиявий харажатларни аниқлаш; Учинчи босқич – узоқ муддатли дебиторлик қарзларини амортизацияланган қиймати бўйича баҳолаш; Тўртинчи босқич – тушумни ва дебиторлик қарзларини бухгалтерия счётларида акс эттириш; Бешинчи босқич – тушумни ва дебиторлик қарзларини молиявий ҳисоботларда акс эттириш;

Ҳисоб-китоблар асосида миллий ва халқаро стандартларга асосан тушумни ҳамда дебиторлик қарзларни бухгалтерия счётларида акс эттириш тартиби ҳисобларда қайд қилиш масаласида бир қанча фарқлар мувжудлиги қайд қилинди.

Бухгалтерия балансида узоқ муддатли дебиторлик қарзларини амортизацияланадиган қийматда акс эттириш, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тушум ва молиявий даромадларни акс эттириш ҳамда Солиқ Кодексига солиқ солиши мақсадларида товарларни (хизматларни) тан олиш бўйича таклифлар тавсия этилди.

Миллий стандартлар асосида тушум ва узоқ муддатли мажбуриятларни акс эттиришга доир бухгалтерия ёзувлари ҳамда Халқаро стандартлар асосида тушум ва

шартномавий мажбуриятларни акс эттиришга доир бухгалтерия ёзувлари тавсия этилди.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Белогина Н.С. (2023) Проблемы совершенствования модели учета выручки в процессе конвергенции Российских и международных учетных стандартов. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-sovershenstvovaniya-modeli-ucheta-vyruchki-v-protsesse-konvergentsii-rossiyskih-i-mezhdunarodnyh-uchetnyh-standartov/viewer>

БХМС (2002) 21-сон "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерияҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"

Ватомская А.С. и др.(2022) Совершенствование учета выручки в коммерческих организациях, в связи с реформированием бухгалтерского учёта в соответствии с МСФО //http://edrj.ru/article/02-03-22

Малей Е.Б. (2024) Совершенствование принципов признания выручки от реализации продукции и методики ее отражения в учете организаций республики Беларусь //Міжнародний збірник наукових праць. Випуск 2(17) <https://eztuir.ztu.edu.ua/jspui/bitstream/123456789/4992/1/29.pdf>

МСФО (2018) (15) <https://www.ade-solutions.com/msfo/standarty-irazyasneniya/msfo-ifrs-15-vyruchka-po-dogovoram-s-pokupatelyami-revenue-from-contracts-with-customers/>

МХХС (2018) 15-сон "Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар" <https://base.garant.ru/70867610/>

Ташназаров С.Н. (2023) Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1. –Самарқанд.: "STEP-SEL" МЧЖ нашриёти, 2023-580 бет.

Темирханова М. (2024) Сравнительный анализ международной и национальной практики учета выручки. "Экономика и социум" №10(125) 2024 // https://www.iupr.ru/_files/ugd/b06fdc_80642838d9b740bfb887306c42ecd4e.pdf?index=true

Эшпўлатова З.Б. (2021) Халқаро стандартларга мувофиқ харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар ҳисоби // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил. ISSN: 2181-1016

Ставка дисконтирования: что это, где применить и как рассчитать Подробнее на РБК (2022): <https://www.rbc.ru/quote/news/article/6283b0189a79470998b95e63>

<https://lex.uz/acts/1531621>